

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЖИТОВА САБОҲАТ ЖАМИЛОВНА

**ЖОМИЙ ҒАЗАЛИЁТИДАГИ РАМЗИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ
ВА МАЖОЗИЙ МАЪНОЛАРИНИ ТАЛҚИН
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии

Content of the abstract of doctoral dissertation on philology sciences

Мажитова Сабоҳат Жамиловна

Жомий ғазалиётдаги рамзий истилоҳларнинг луғавий ва мажозий
маъноларини талқин қилиш усуллари 5

Мажитова Сабоҳат Жамиловна

Методы исследования лексических и аллегорических значений символики
газелей Джами..... 23

Majitova Sabohat Jamilovna

The methods for researching lexical and figurative definitions of symbolic
expressions used in Jami's gazelle poetry..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЖИТОВА САБОҲАТ ЖАМИЛОВНА

**ЖОМИЙ ҒАЗАЛИЁТИДАГИ РАМЗИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ
ВА МАЖОЗИЙ МАЪНОЛАРИНИ ТАЛҚИН
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.3.PhD/Fil 474 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронбеков Аҳмадкул
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шокиров Туғрал Сирожович
филология фанлари доктори, профессор

Имомназаров Муҳаммад Султанович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.:(8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М.Қ.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Салоҳий Д.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон лингвистика фанида шеърият тилининг лисоний хусусиятларини ўрганиш, мумтоз адабиётимизнинг дурдона асарлари асосида лексикографик манбаларни яратиш, поэзия тилига боғлиқ бўлган лексик ва семантик қатламлар таркибини аниқлаш, мумтоз шеъриятга хос бўлган бой рамзий бирликларни таҳлил этишда мезонлар ва ҳад-худудларини белгилаш, улар асосида лингвостатистик ҳамда лингвопоэтик талқинларни амалга ошириш, бу борада янги, ноанъанавий тадқиқот технологиялари, электрон дастурлар ва илмий ёндашувлар асосида иш олиб бориш мазкур соҳа ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнларининг кучайиши натижасида бошқа соҳалардаги каби шарқшуносликда ҳам адабий-маданий меросни тизимли ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, бадий тилнинг миллий, маданий, тарихий хусусиятларига қараб талқин этиш кучайиб бормоқда. Зеро, дунё цивилизациясининг тарихида Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё минтақаси халқлари ўзларининг бетакрор маънавий мероси ва миллий қадриятлари билан муҳим ўрин эгаллайди. Ана шу бой адабий меросни атрофлича ўрганиш, хусусан мумтоз бадий асарлар тили ва услубини тадқиқ қилиш, уларнинг натижаларини илмий тадқиқотлар ва таълим жараёнида самарали қўллаш давр талабидир.

Мустақиллик йилларида бой маданий меросимизни, жумладан, классик шеърият тилини ўрганиш, адабиёт, санъат ва адабий тил шаклланишининг тарихий негизларини тадқиқ этиш бўйича жиддий тадқиқотлар амалга оширилди. Ижодида форс-тожик адабиётининг беш асрлик ютуқларини мужассамлаштирган ва муайян тарихий даврнинг адабий ва маданий ҳаёти ривожланишига муносиб ҳисса қўшган буюк мутафаккир, атоқли сўз устаси Абдурахмон Жомий асарларининг лисоний хусусиятларини замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш ва мумтоз шоир поэзиясини лингвостатистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик усуллар воситасида жиддий ўрганиш эҳтиёжи мавжуд. Зеро, “маърифат фидойиларининг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади”.¹

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-178 б.

меъерий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижодий фаолияти на фақат Шарқ, балки Ғарб олимлари томонидан ҳам атрофлича ўрганилган. Жумладан, Европа ва Россия шарқшунос, адабиётшунос, файласуф ва тарихчи олимлари Ҳ.Массе, В.Читтик, Ян Ричард, Э.Браун, Е.Э.Бертельс, С.И.Баевский, В.А.Капранов, М.Рейснерлар¹, эрон, афғон ва озарбайжон тадқиқотчиларидан А.А.Ҳикмат, М.И.Мубаллиғ, Н.М.Ҳиравий, А.Н.Бохарзий, А.Гулиев, Забехулло Сафо, Баҳром Сируслар томонидан тадқиқ этилган бўлса², тожик ва ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги илмида бу борада А.Афсаҳзод, М.Мухаммадиев, М.Ражабов, Д.Карамшоев, А.Абдуллоев, А.Сатторов, А.Мирзоев, А.Қурбонмамадов, А.Нуров, С.Ҳалимов, М.Ҳазратқулов, Ж.Гулназарова, А.Ҳасанов, Д.Ҳомидов, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева, Н.Комилов, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, М.Мухиддинов, Р.Воҳидов, С.Саъдиев, Ҳ.Ҳомидов, И.Ҳаққул, Ж.Холмўминов каби олимларнинг тадқиқотлари мавжуд.³ Мазкур

¹Masse H. Djami. Le Baharistan. Paris, 1925; Chittik W.C. Ed. De Jami, Naqd al-nosus. Voir introduction, Euvres de Jami; Абдурахмони Чомӣ. Лавойих//Мукаддимаи Ян Ричард. – Техрон: Асотир, 1373; Браун Э. Таърихи адабиёти Эрон. Аз Саъдӣ то Чомӣ//Тарҷумай А.Ҳикмат. – Техрон, 1948; Е.Э.Бертельс. Джами, Эпоха, жизнь, творчество. – Сталинобод: 1949; Суфизм и суфийская литература//И.Мирзоев таржимаси. – Т.: 2005; Навои и Джами. – М.: Наука, 1965; Баевский С.И. Ранняя персидская лексикография XI-XV вв. М., Наука.1989; Капранов В.А. К вопросу о мировоззрениях Джами на язык. – Душанбе: Ирфон, 1965; Рейснер М. Эволюция классической газели на фарси X-XV вв. – М.: Наука, 1989.

²Ҳикмат А. Чомӣ. – Техрон: Ҳайдарӣ, 1320; Мубаллиғ М.И. Чомӣ ва Ибн Арабӣ. – Кобул, 1343; Ҳиравий Н.М. Шайх Абдурахмони Чомӣ. – Техрон: 1377; Бохарзий А.Н. Мақомоти Чомӣ. – Техрон: Най, 1383; Гулиев А. Абдурахман Жами. – Баку: 1964; Забехулло С. Таърихи адабиёти Эрон. – Душанбе: Деваштич, 2003; Сирус Б. Оид ба рисолаи арӯзи Чомӣ//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1973.

³Афсаҳзод А. Достони “Лайлӣ ва Маҷнун”-и Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1970; Рӯзгор ва осори Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1980; Чомӣ - шоири ғазалсаро. – Душанбе: Маориф, 1989; Чомӣ - адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон, 1989; Мухаммадиев М. Зарбулмасалҳо дар “Ҳафт авранг”-и Абдурахмони Чомӣ//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Ирфон, 1966; Раджабов М. Абдурахмон Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: 1968; Карамшоев Д. Муносибати Чомӣ ба забон//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1973; Абдуллоев А. Қасидаҳои Чомӣ ва баъзе хусусиятҳои онҳо//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1973; Сатторов А. Афкори адабӣ ва эстетикӣи Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Ирфон, 1975; Мирзоев А. Аз равобити адабии Абдурахмони Чомӣ//Сездах мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977; Курбонмамадов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Дониш, 1984; Нуров А. Фарҳанги осори Чомӣ. Дар 2 ҷилд – Душанбе: 1983; Ҳалимов С. Таърихи забони адабии тоҷик. – Душанбе: 2002; Ҳазратқулов М. Ирфони Абдурахмони Чомӣ. – Хучанд: 2014; Гулназарова Ж. Таснифоти маъноии феъл дар “Баҳористон”-и Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Шучоён, 2011; Ҳасанов А. Нодирагуфториҳои Чомӣ дар корбурди калимаҳои ёвар//Илм ва навоарӣ. – Душанбе: Сино, 2014; Ҳомидов Д. Корбурди ойқонимҳои дар “Баҳористон”-и Абдурахмони Чомӣ//Илм ва навоарӣ. – Душанбе: Сино, 2014; Валихўжаев Б. Жомий ва Навоӣ – иҷодӣ хамкорликнинг буюк сиймоси. – Самарқанд: 2004; Ғаниева С. “Донишу фазл гавҳарининг қони” Мавлоно Жомий ҳақида. – Самарқанд: 2004; Н.Комилов. Татаббўъга татаббўъ. – Тошкент: 2005; Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996; Қаюмӣ А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: 1992; Мухиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. – Тошкент: 1989; Саъдиев С. Нақшбандия ва таъсири он ба адабиёт. – Самарқанд,

тадқиқотларнинг асосий қисми адабиётшунослик ҳамда тарихий ва фалсафий соҳаларга бағишланган бўлиб, шоир лирикасининг лингвопоэтик ва семантик хусусиятлари, айрим илмий рисола ва мақолалардаги қайд ва ишораларни ҳисобга олмаганда, монографик тарзда жиддий ўрганилмаган.

Гарчи форс-тожик лексикографияси тарихида поэзия тилини ўрганиш борасида турли услубларда яратилган луғатлар¹ мавжуд бўлса-да замонавий тилшуносликда шеърят тилини мукамал ўрганиш, адибнинг ўзигагина хос услуб ва маъно яратиш маҳоратини ойдинлаштириш учун олимлар “мезон луғати” (частотный словарь) ва “жомеъ луғат” (конкорданс)ни афзалроқ деб биладилар. Шеърят тилининг луғавий бирликлари семантик структурасини конкорданс-луғат асосида ўрганиш ҳамда маъноларини тасниф қилиш борасида илк қадамларни шарқшунос-олим М.Н.Османов қўйган бўлса, кейинчалик бу соҳада М.Имомназаров, Ю.Н.Караулов, Р.Қ.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг илмий тадқиқотлари эълон қилинди.²

Замонавий техник воситалар, инновацион технологиялар асосида А.Қуронбеков³ ва айни пайтда Италияда Д.М.Кореал⁴ ўз илмий тадқиқот ишларини эълон қилиб, бундай ёндашув шеърдаги луғавий бирликларнинг маънолар силсиласини таҳлил қилишда тадқиқотчига катта имкониятлар яратиб беришини исботладилар. Жаҳон лингвистик натижаларидан келиб чиқиб, Абдурахмон Жомий ғазалиётидаги ҳар бир лексик бирлик ва ибораларни замонавий тилшунослик принциплари асосида жиддий ўрганиш, шарҳлаш ва янги типдаги луғатларни яратиш, соҳага оид мукамал ва фундаментал тадқиқот ишларини юзага келтириши ҳамда бу буюк мутафаккир ижодий меросини янада теранроқ тушунишга хизмат қилади.

Диссертациянинг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг “Форс-тожик лексикологияси ва лексикографиясини тадқиқ қилиш масалалари” ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи” мавзусидаги илмий тадқиқот режаларининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдурахмон Жомийнинг лирик асарлари конкорданс-луғати асосида шоир ғазалларидаги рамзий ифодаларнинг лексик, мажозий ҳамда ирфоний-тасаввуфий маънолар оламини шоир яшаган давр

2001; Ҳомидов Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Ҳаққул И. Рух ва маъно сорбони. – Тошкент: Фан, 2008; Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдатул-вужуд таълимоти. – Тошкент: 2008;

¹ Фарҳанги осори Чомӣ. Дар 2 ҷилд//А.Нуров. – Душанбе: 1983; Фарҳанги ашъори Рӯдакӣ//А.Нуров. – Душанбе: Маориф, 1990; Фарҳанги “Шоҳнома”-и Фирдавсӣ//И.Ализода. – Душанбе: Адиб, 1992.

² Османов М.Н. Частотный словарь Унсури. – Москва: Наука, 1970; Стиль персидско-таджикской поэзии IX-Xвв. – Москва: Наука, 1974; Имамназаров М. Статистико-семантическое исследование лексики поэмы “Ширин и Хосрав” Амира Хосрава Дехлави: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1975; Караулов Ю.Н. Частотный словарь семантических множителей. – М.: Наука, 1980; Қўнғуров Р.Қ., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

³ Қуронбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Айнаи Искандари» Амира Хосрава Дехлави: Дисс... канд. филол. наук. – Москва: 1988.

⁴ Daniela Meneghini Coreal. The ghazals of Hafiz concordance and vocabulary. – Roma, 1988.

сиёсий-ижтимоий, маънавий-мафкуравий ҳаёт воқелигидан келиб чиққан ҳолда талқин қилишнинг янги илмий усулларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жомийнинг XV аср адабий тили ривожда тутган ўрнини ойдинлаштириш, шоир ғазалларининг тилида ўзига хос услубни белгилаш;

замонавий инновацион технологиялар асосида, мавжуд электрон дастурлар орқали шеърий матн таҳлилини амалга ошириш ҳамда компьютер технологияларидан фойдаланиш афзалликларини илмий асослаш;

шоирнинг уч девони асосида конкорданс-луғат тайёрлаш, амалга тадбиқ этиш ва бу луғат асосида шоир ғазалларидаги энг фаол бадиий тимсолларни денотатив, коннотатив ва ирфоний-тасаввуфий маънолар қатламларини очиб бериш;

Жомий ғазалларидаги бадиий тимсоллар ва сўз бирликларининг ўзаро маънолар мутаносиблигини тадқиқ этиш, адиб ғазалларидаги воқеий, мажозий, рамзий ифодаларни лингвопоэтик ва семантик жиҳатдан талқин қилишнинг замонавий усулларини яратиш ва амалда татбиқ этиш.

Тадқиқот объекти Абдурахмон Жомийнинг 1799 ғазалдан иборат – “Фотихат уш-шабоб” (1010 ғазал), “Воситат ул-икд” (493 ғазал) ва “Хотимат ул-хаёт” (296 ғазал) девонларининг илмий-танқидий матн нусхалари¹ асосида тайёрланган конкорданс-луғат ҳисобланади.²

Тадқиқот предмети Абдурахмон Жомий ғазалиётида энг кўп қўлланилган “дил” (2133 марта), “жон” (1099 марта) ва “ишқ” (1005 марта) бадиий тимсолларини конкорданс асосида байтма-байт таҳлил этиб, уларнинг лексик, мажозий ва ирфоний маънолар силсиласини семантик ва лингвопоэтик тамойиллар воситасида тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, семантик, компонент, қиёсий-таърихий, когнитив, лингвокультурологик, лингвопоэтик, лингвостатистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абдурахмон Жомий ғазалларидаги рамзий ифодаларнинг табиий ва ижтимоий воқелик билан боғлиқлиги, шоирнинг ўзига хос маъно яратиш маҳорати, ижод услуби, бадиий тимсолларнинг денотатив ва коннотатив хусусиятлари, компонент, когнитив, қиёсий-таърихий ёндашувлар асосида далилланган;

шоир ғазалиётидаги шеърий мисра ва байтлараро ҳар бир луғавий бирликнинг метафоризация жараёнидаги динамик ҳолати, рамзийлиги, семантик структураси, коммуникатив-прагматик хусусиятлари, дистрибутив таҳлил асосида аниқланиб, уларнинг лексик, мажозий ҳамда ирфоний-тасаввуфий маъно белгилари очиб берилган;

¹Абдурахман Джами. Фотихат уш-шабоб//Критический текст и предисловие А.Афсахзода. – Москва: Наука, 1978. - 640 с. Абдурахман Джами. Воситат ул-икд и Хотимат ул-хаёт//Критический текст и предисловие А.Афсахзода. – Москва: Наука, 1978. - 490 с.

²Абдурахмон Жомийнинг “Фотихат уш-шабоб” девони конкорданси//Тузувчи: Мажитова С.Ж – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-934 б. Абдурахмон Жомийнинг “Воситат ул-икд” ва “Хотимат ул-хаёт” девонларининг конкорданси//Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-904 б.

Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб”, “Воситат ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонлари асосида тузилган конкорданс-луғат ёрдамида шоир ғазалларида учраган энг юқори частотали луғавий бирликларнинг лексик-семантик хусусиятлари аниқланган;

шоир девонларидаги бадиий тимсолларнинг фонетик сатҳ бирликлари, яхлит матнлар ҳудуди ҳамда матнлараро муносабатларини конкорданс-луғат орқали тадқиқ этиш тамойилларининг афзалликлари илмий-назарий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

форс-тожик тили тарихи, хусусан, Абдурахмон Жомий яшаган даврда шеърят тили ва ўзига хос жиҳатлари, ушбу даврда тил такомиллашувининг асосий тамойиллари, лексик-семантик категориялари, шоир лирикасининг услубий хусусиятлари, умуммиллий тил ривожланишидаги ўрнини аниқлаш учун муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади;

“Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб”, “Воситат-ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонларининг конкорданси” шоир ғазалиётидаги сўз шаклларининг статистик жиҳатдан ягона ва муфассал таснифи ҳисобланади;

тадқиқот материалларидан таълим дастурлари ва воситаларини тайёрлаш, форс-тожик адабий тилига оид изоҳли луғатлар яратиш, тожик ва ўзбек адабий тили тарихига оид махсус курсларни ташкил этиш, лексикология, лексикография, хусусан, семантика каби соҳаларда олий ўқув юртларида амалий восита сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил материаллари Абдурахмон Жомий девонларининг илмий-танқидий матнларидан тузилган конкорданс-луғат асосида танлаб олинганлиги, методологик жиҳатдан мукамаллиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ҳамда янгича замонавий илмий концепциялар воситасида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, тўпланган материаллар ва олинган натижалар ўзбек ва тожик тили тарихи, матн тилшунослиги, лексикология, лексикография, прагматик лингвистика, лингвопоэтика, семантика каби фанлардан илмий адабиётлар яратишда ҳамда луғатшунослик, функционал семантик, статистик, бадиий матн таҳлили каби умумий тилшунослик соҳаларига оид монография, ўқув қўлланма, янги типдаги луғатларнинг яратилишига ҳамда мукамаллашувига хизмат қилади.

Шунингдек тадқиқот натижалари асосида яратилган “Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб”, “Воситат-ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонларининг конкорданси” олий ва ўрта махсус таълим тизимида тилшунослик фанларидан махсус семинарлар ўтишда, тадқиқотчиларнинг илмий изланишлар олиб боришларига амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдурахмон Жомий лирикасидаги рамзий истилоҳларнинг луғавий ва мажозий маъноларини талқин қилиш усуллари ва ушбу тадқиқот доирасида олинган илмий натижалар асосида:

шоир ғазалиётининг “Фотиҳат уш-шабоб”, “Воситат ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонларининг илмий-танқидий матнларини саралаш ва улар асосида

конкорданс-луғат тузиш, қўлланилган сўз шакли меъёрларини аниқлаш ва энг фаол сўзларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш, “дил”, “жон” ва “ишқ” каби бадий тимсолларнинг лингвопоэтик талқинлари ва уларнинг семантик майдонидаги маънолар силсиласини тадқиқ қилиш усулларини аниқлаш тамойилларидан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-1-135 рақамли “Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 майдаги 89-03-1683-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Алишер Навоий “Хамса” дostonларининг конкордансини тузиш, фаол тимсолларнинг лингвостатистик талқинлари ва уларнинг семантик майдонидаги маънолар силсиласини тадқиқ қилиш усулларини аниқлаш тамойилларини мукамаллаштиришга имконият яратган;

тожик ва ўзбек классик адабиётнинг материаллари асосида шеърият тилининг маъновий хусусиятларини, бадий нутқда қўлланилиши ва миллий ўзига хос хусусиятларини аниқлашда Ф-1-06-рақамли “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналарининг синтези” (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 июлдаги 89-03-2671-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг татбиқи асосида ўзбек ва тожик классик шеърият тилининг маъно жилolari аниқланган, уларнинг бадий услубда қўлланилиш услуби аниқлаштирилган, изоҳлари мукамаллаштирилган;

Жомий ва Навоий асарларида кўтарилган умумбашарий муаммолар, мавзулар кўлами, миллий қадриятларга оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телеканалининг “Ижод завқи”, “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт” туркумидаги кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телеканали ДУКнинг 2018 йил 4 майдаги О`З/К-1-79-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши томошабинларни классик адабиёт намуналари билан таништиришда, кизиқарли ва оммабоп бўлишига муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та хорижий ва 4 та республика конференциясида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Абдурахмон Жомийнинг 3 девони асосида 2 жилдлик конкорданс-луғат, 29 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 9 та мақола (8 республика, 1 хориж) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 166 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жомий ғазалларидаги рамз ва тимсолларнинг объектив борлиқ билан боғлиқ маънолари”** номли биринчи бобининг *“Мумтоз шеърят тилининг анъанавий тадқиқ усуллари ва янгича тамойиллар”* деб аталган илк фаслида адабий тилнинг шаклланиш жараёни ва босқичлари, тожик-форс тилининг генетик асослари, маълум даврнинг бир бирига ўхшамаган хусусиятларининг тадқиқи, “шеърят тили”га ижтимоий-сиёсий воқеа-ходисаларнинг таъсири хусусида атрофлича маълумотлар келтирилган. Бу борада амалга оширилган анъанавий усулдаги тадқиқотлар ҳамда соҳа бўйича мавжуд янгича тамойиллар, инновацион ёндашувлар таҳлил қилинган. Илмий изланишларга кўра таҳлил этилаётган тимсолларни матн контекстидан ажратилган ҳолда эмас, балки айнан матн ва матннинг мантикий мазмуни, ижодкорнинг ғоявий мақсадлари билан боғлиқ тарзда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Сўзларнинг маънолар силсиласи, семантик майдонини белгилаш учун ҳар бир бадиий тимсолнинг “лисоний маъно белгиси”, “рамзий алифбо”, “тушунчалар калити”, “сўзлараро нисбийлик”, “фонетик ифода”, “сўзларнинг қиёми”, “ишоралар олами” каби жиҳатларини эътиборга олиш, сўзнинг лингвопоэтик хусусиятларини синчиклаб тадқиқ этиш зарурияти вужудга келади. Зеро, “... семантик таҳлилга тортилаётган материал кўлами тўхтовсиз ўзгариб турибди, у фонематик сатҳ бирликлардан бошланиб то яхлит матнлар ҳудуди, баъзан матнлараро муносабатларни ҳам қамраб олмақда”.¹ Яъни, бадиий тимсолларнинг талқинида матндаги дистрибутив ва ассоциатив муносабатлар ҳамда шоир яшаган даврдаги ижтимоий-маданий муҳитга таяниб маъно қирраларини аниқлаш самарали усул ҳисобланади. Тилшунос-олим Л.Блумфилд шундай таъкидлайди: “Ҳар бир лисоний шакл маъносига аниқ илмий тавсиф бериш учун сўзловчи атрофидаги оламнинг барча нарса-ходисалари ҳақида муайян илмий маълумотга эга бўлишимиз лозим”.²

Дарҳақиқат, сўз ўзининг асл-тарихий хусусиятларини бадиий адабиётда, хусусан шеърӣ асарларда сақлайди. Бундай муносабат луғавий семантик бирликлар тадқиқи, айниқса сўзлар талқинида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “поэзияда прозага нисбатан сўзнинг семантик жиҳатдан фаоллиги, маънолар

¹ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2013. – Б.27

² Блумфилд Л. Язык. – Москва: Прогресс, 1968. – С.142

силсиласини яратишда ўрни беқиёслиги ва имкониятларининг кенглиги намоён бўлади”¹.

Жомийшунос олимлар шоир адабий меросининг тил ва услубини тор доирада ўрганиб, унинг поэзияси тили ва услубини юзаки ва эскирган ғоялар асосида талқин этиб, маҳаллий тил ва шевага яқин деб баҳолашгани, бугунги замонавий тилшунослик назарияларига мутлақо зид ва айни пайтда бу каби ноқис қарашларнинг тор ва жўн назарияларга олиб келиши, илмнинг бирёқлама ва самарасизлигига асос бўлиши тайин. Шу боисдан замонавий тадқиқотларда мутафаккирлар, йирик адабий сиймоларнинг адабий ва фалсафий меросининг тадқиқи, ўзига хос ижодий услубларини таҳлил этиш жараёнида энг сара илмий асарларда “*ҳақиқат тариқининг суханварлари*”, “*мажоз тариқининг суханварлари*”, “*ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут қилганлар*”, “*асрори илоҳий адоси*”, “*ҳақиқат ва мажоз тазоди*”² каби дақиқ илмий фараз ва гипотезалар илгари сурилган. Бизнингча, бу типологик тамойиллар Жомий ғазаллари тилига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, шоир асарларининг энг муҳим лисоний хусусиятларини белгилаган ҳамда айни замонда мазкур давр шеърятининг тадрижий такомиллашувидаги асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шеърый асарлардаги сўзларнинг маънолар силсиласини кашф этишда, асосан уч компонент, яъни луғавий, мажозий ва ирфоний талқинлар асосида тадқиқот олиб бориш самаралироқдир. Аммо сўзнинг маъно қатламларини очишда барча луғатнавислар бу тамойилга амал қилишмаган. Жумладан, Амон Нурувнинг “Фарҳанги осори Чомӣ” (Жомий асарлари луғати, 1983-1984) луғати тожик луғатшунослигида нисбатан мукамал хусусиятларга эга бўлиб, унда шоир адабий меросидан 15000 та сўз ва иборалар шарҳланган. Бироқ, Жомийнинг девонлари асосида яратилган жомеъ луғатнинг статистик кўрсаткичларига кўра, фақатгина шоир ғазалларидаги сўзшакллар миқдори 18960 тани ташкил этади. Демак, мавжуд луғатлар шоир асарларининг луғавий бойлигини, олам-олам маънолар жилосини ўзида мужассам этмаган.

Мазкур луғатлардаги ноқисликлар шарқшунос-олимлар М.Н.Османов³, М.Имомназаров⁴ ва А.Қуронбековларнинг⁵ “*дил*”, “*тир*”, “*гул*”, “*ринд*”, “*бода*”, “*соқий*”, “*ёр*”, “*май*” каби тимсоллар таҳлиliga бағишланган рисола ва мақолаларида далиллаб берилган. Жумладан, А.Қуронбеков “... қўйилган мақсад мавжуд луғатларнинг нуқсонларини таҳлили эмас, балки классик тилидаги алоҳида бир шеърый матндаги нутқ бирликларининг семантик структурасини изчил таҳлил қилиш, маъно бирликларини чегаралаш ва уларни луғавий ва мажозий маъноларга ажратиб беришдир”⁶, дея таъкидлаб ўтади.

¹ Червинский П.Н. Семантика слова в системе стихотворного целого: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ростов-на Дону, 1980. – С.7.

² Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожда тасаввуфнинг ўрни // Бадиий тимсоллар ва тасаввуф адабиёти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти. – Б.16-17.

³ Османов М.Н. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. – Москва: Наука, 1974.

⁴ Имомназаров М. Статистико-семантическое исследование лексики поэмы “Ширин и Хосрав” Амира Хосрава Дехлави: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1975.

⁵ Куранбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Айнаи Искандари» Амира Хосрава Дехлави: Дисс... канд. филол. наук. – Москва: 1988.

⁶ Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.102.

Шу тариқа классик шеърятдаги ҳар бир луғавий бирликнинг маънолар тизими бир неча қатламдан иборат бўлиб, энг устки қатлам воқеликдаги реал муносабатлар, инсоний ҳиссиётлар, унинг турмуш тарзи, ташвишлари, орзу-умидлари ҳамда ўй-хаёлларига асосланган бўлади.

Бобнинг 2-фасли “Дил” тимсолининг инсон тана аъзоси сифатидаги маънолари” деб номланган. Кузатишлар ва таҳлиллардан аён бўладики, “дил” Жомий ғазалларида кўп қўлланилган ва фаол тимсоллар сирасига кириб, 2133 марта алоҳида шаклда ишлатилган ва мисралараро турфа маъноларда жилоланган. Шоир ғазалларида “дил” сўзи инсоннинг қон айлантирувчи асосий тана аъзоси, инсоннинг ҳис-туйғуларини ва зехну шуурини ифодаловчи манбаъ сифатида, тарихий-асотирий, диний-мазҳабий воқеаларни ифодалаб, мажозий ва ирфоний маъноларда намоён бўлади. Жумладан, Жомий биринчи девонида қуйидагича келтиради:

X.29/4 در شب هجران هجوم آورد بر من تاب و تب دل تپید از بیم و تن لرزید لیکن نبض جست

(Ҳижрон кечаси менга ҳужум айлади тобу таб,

Дил қўрқувдан ура бошлади, тан қақшади, лекин ошди набз.)

Бу байтда “дил” инсон танасининг аъзоси, соматик бирлик сифатида талқин қилинишининг энг муҳим белгилари “тобу таб”, “бим”, “тан”, “тапид”, “набз” каби калит сўзлари ҳисобланади. Яъни барча жонзотларнинг томирларидаги қон ҳаракатининг жўш уриши, юрак “дил” орқали амалга ошиши, томир уришига ишорадир.

Шоир ғазалларида “дил” тимсоли бизнинг қарашларимиз миқёсидан, биз идрок этадиган тушунчалар олаmidан анча кенгроқ маънога эга. Бу тимсол шоир ғазалларида фақатгина мажозий, ирфоний ёки мавҳум тушунча сифатида эмас, балки аввало *жисмимизда динамик ҳолатни юзага келтирадиган энг муҳим аъзо, ҳаёт ва ҳиссиёт, қуввату мадор, дард ва ғаму ҳасрат манбалари, инсон қалби, жону таннинг жавҳари ва асосидир*. Демак, Жомий ғазалларида “дил” тимсоли замирида воқеъликка дахлдор кечинмалар ва табиий, ҳиссий белгилар мужассамлаштирилган ва у бевосита инсоний ҳиссиётларга лиммо-лим.

Мазкур бобнинг 3-фасли “Жон” тимсолининг инсон ҳаёт тарзи билан боғлиқ маънолари” деб номланади. “Жон” тимсоли нафақат Жомий ғазалларида, балки, умуман, форс-тожик мумтоз адабиётида ҳам кенг қўлланилган бадиий тасвирнинг асосий тимсолларидан бири ҳисобланади. Аммо айтиш жоизки, “жон” тимсоли шу кунгача яратилган илмий тадқиқотларда нисбатан камроқ тадқиқ этилган. Мавлоно Жомий ғазалларида “жон” сўзи жами 1099 мартаба учрайди. Жумладан:

X.18/6 جسد افتد بزیر پا و جان گرد سرش گردد چو سازد زخم تیغ او جدا جان از جسد مارا

(Жасад тушсин оёқ остига, ки жон бошидан айлансин,

Жудо айлар теги яроси бизнинг жонни жасаддан.)

Байтда икки мартадан “жон” ва “жасад” сўзлари қўлланилган. Аммо ҳар иккала ўринда ҳам уларнинг маъно белгилари бир-бирига боғлиқ ва мантикий изчиллик сақланган. Биринчи мисрада умумий мазмун ҳаёт воқеъликлари ва борлиқ ходисалари билан табиий боғланган ҳолатни

мушоҳада этиш мумкин. Бу мисрада “жон” инсоннинг руҳу равони ва “жасад” эса жоннинг танаси, руҳнинг манзили маъноларида қўлланилмоқда.

“Жон” тимсолининг лексик хусусиятлари таҳлили натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, шоирнинг поэтик маҳорати, сўзнинг маъно кенгликларини англай билиш санъати “жон” тимсолининг очилмаган қирраларини турли мазмун ва шаклларда, *инсон ва унинг реал ҳаёти билан боғлиқ тарзда, башариятнинг оддий ва жўн тушунчалар меъёри ва мезонларида, яъни руҳу равон, руҳнинг танадан ажаралиш қисмати (вафот этиш) - ўлим, ҳаёт, умр, фаолият манбаи, борлиқнинг вужуди, тириклиги, яшаш асоси, ўзлигидан кечиш, жонсиз жисмнинг ҳаракатсиз қолиши* ва бошқа шоирона нозик ҳис-туйғулар воситасида тасвирлаган.

Бобнинг 4-фасли “Ишқ” тимсолининг инсонлар орасидаги табиий ҳиссиётни ифодаловчи маънолари” деб номланган. “Ишқ” шоир учун қалб тугёни, дил фарёди, тенгсиз туйғу ва мислсиз ҳис-ҳаяжон уммониридир. Тадқиқотчилар мумтоз мутасаввиф шоирлар шеъриятини ўрганиш бобида “ишқ” тушунчасини икки хил талқинига ишора қилишган. Аввал мажозий ишқ, сўнгра ҳақиқий – илоҳий ишқ. Табиий “ишқ” эса бир жинснинг бошқа бир жинсга майлу хоҳиши, унга нисбатан меҳр муҳаббатидир. Жомий бу масалада шундай фикр билдиради: “*ишқ нашидасидан ҳаммадан кўпроқ инсон баҳраманддир ва аслида инсоннинг ўзи ҳам ишқнинг мевасидир*”.¹

“Ишқ” тимсоли Жомий ғазалиётининг жомеъ луғатидаги статистик кўрсаткичлари асосида жами 1005 маротаба қўлланилган. Жумладан:

ذوقى ندهد عشق اگر از جانب عاشق نبود گله و از طرف دوست عتابى

(*Ишқнинг завқи йўқдир, агар ошиқ,*

Айламас гила ва дўст итоб қилмаса.)

Байтда “ишқ”дан мурод ошиқ ва маъшук ўртасидаги мутаносиб ва мутақобиллик, аммо самимий муносабатдир, зеро бу ҳис энг ширин туйғу сифатида, маъшуканинг нозу карашмаси, ошиқнинг сабр-тоқати, ҳаётнинг аччиқ-чучуги, паст-баландлиги билан боғлиқ тарзда акс эттирилган.

Хуллас, шоир кўзлаган мақсад қанчалик теран ва нечоғлик ғайритабиий ва илоҳий бўлмасин бу ниятлар инсоннинг табиий ҳиссиёти, ижтимоий муносабатлари ва табиат ҳамда борлиқдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсинининг хоссалари воситасида ҳам амалга оширилади. Шунинг учун шоир тасвирларини бирёқлама кузатган ва юзаки маънодан нарига ўта олмаган тадқиқотчилар “шоир табиий олам ва табиий ҳис-туйғуларни тараннум этган”, деб ноқис ва жўн хулосалар чиқарадилар. Ҳолбуки, шоир асл мақсадини мана шу табиий воситалар замирида яширин ифодалайди.

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Жомий ғазалиётидаги рамз ва тимсолларнинг мажозий маънолар майдони**” деб номланган. Бобнинг “*Мажоз ва мажозий маъно турлари*” номли 1-фаслида мажоз назарияси ва мажозий ифодаларга оид маълумотлар умумлаштирилган, яратилган тадқиқотлар асосида шоир ғазалиётидаги бадиий тимсолларнинг мажозий хусусиятлари таҳлил этилиб, лингвопоэтик функциялари, шеърият тилида

¹ Афсаҳзод А. Ҷомӣ – шоири ғазалсаро. – Душанбе: Маориф, 1989. – С.111

тутган ўрни, лингвистик ва бадий хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Абдурахмон Жомий ҳам ғазал жанрида кўпроқ мажоздан фойдаланган. Унинг айрим ғазалларида анъанавий образлар, борлиқдаги мавҳум тушунчаларни ўзида мужассам этган.

Мазкур бобнинг “Дил” тимсолининг мажозий маънолар майдони” номли 2-фаслида Жомий ғазалларида мажозий ифодаларни теранроқ англаш учун “мурғ, сина, қафас, ҳол, аҳвол, гавҳар, доно, коғаз, шиша, вайрона, хуноба, замин, шикор, толиб, матлуб, маъвогоҳ, меҳр, килк, най, сўроҳ, гунча, забон, камон, достон, розу асрор” кабилидаги отлар; “сахт, сангин, сиёҳ” каби сифатлар; “бастан, кандан, бурдан, додан” феъллари; “эй дил”, “дило” каби хитоблар мажозий белгилар сифатида фойдаланилган. Масалан:

لعل شكر بار تو شیرین و جان فرهاد او طره شیرنگ تولیلی و دل مجنون او Ф.812/2

(Сенинг қора зулфинг Лайли, дил унинг Мажнунидир,
Сенинг лаъли лабинг Ширин, жон унинг Фарҳодидир.)

Бу байтда “дил”нинг маъно белгиси савдойи ва мажнунона ошиқликдир. Жомий маъшуканинг яноғини тун-кечанинг қоронғулигига ўхшатади ва талмеҳ санъати воситасида Лайлига киёслайди, зеро Лайли арабча “лайл”(кеча, тун) сўзидан олинган бўлиб, унинг “лаъл”(лаб)ини ийҳом санъати орқали “ширин” сўзига боғлайди. Бу байтда “Мажнун” тимсоли “дил”нинг маъно белгиловчиси бўлиб, қаҳрамон хислатига мувофиқ равишда “умидсизлик, савдойилик манбаи” маъносини ифодалаган бўлса, “Фарҳод” тимсоли “жон”нинг катъиятлилик, фидойийлик маъноларини англатади.

Шоир ғазалларида “тарҷумони дил, забони дил, ҷаҳони дил, достони дил, камони дил, хони дил, бўстони дил, осмони дил, хилвати дил, гираҳи дил, сози дил, тафи дил, дили доно, дили маҳрум, шарҳи дил, ҷамъияти дил, пои дил, вилояти дил, мулки дил, мақсуди дил, сўфиини дил, фароғи дил, соҳати дил, бори дил, ҳарорати дил, моҳии дил, дуди дил, шишаи дил, соҳиби дил, дурустиини дил, доди дил, марғи дил” каби ўзига хос мажозий ифодалар орқали инсоннинг жумбоққа тўла қалбининг бутун сифатларини баён қилган.

Шоир ғазалларининг семантик таҳлили асосида “дил” ботин, замир, хотир, жон, руҳ, фикр ва андиша, шахс, ёру дўст, фарзанд ва ҳатто бутун халқ, ҳиссиёт, ақлу заковат, илму дониш, ақлу хирад, донолик, маърифат, муҳаббат, сурур, кулфат, нур, умид, дард, алам, вафодорлик ва садоқат, сабру ирода, ишонч, рашк-ҳасад, асрор, илҳом, огоҳлик ва ҳушёрлик, хотира, иштиёқ, меҳр, жасорат, жаҳолат ва ёмонлик, мурод манзили, қўрқув ва ваҳима манбалари, фироқ маъвогаҳи, жавоҳир хазинаси, савдойилик ва ошуфталик, қалб сафоси, қалбнинг қоронғу ва тор қафаси, вайрона уй, ишқ харобаси, қавлу қарор маркази, ибодат зухури, шижоат, вафо ва тўғрилиқ манзили, виждон покизалиги ва бошқа мажозий маъноларда ҳам қўлланилган. Диссертацияда бу хусусиятлар ҳам батафсил мисоллар ва назарий фикрлар асосида талқин этилган.

Бобнинг 3-фасли “Жон” тимсолининг мажозий маънолар майдони” деб номланган. Абдурахмон Жомий учун инсон аввало маънавият, зехну шуур, санъат, истеъдод ва қобилият, ижодкорлик ва кашфиёти билан бошқа жонзотлардан фарқ қилиши лозим. Оддий инсоний қарашларда “жон” мавҳум

нарса ва у инсоннинг қалбида жойлашган ва барча ҳиссиётлар, инсон ақлу шуури, куч-қудрати унга боғлиқ. Шунинг учун, шоир доимо инсон ботинидан, ички кечинмаларидан комиллик излайди деган фикрни айтади:

معنى آدم نداری صورت آدم چه سود صورت آدم تن و معنیش جان روشن است В.183/2

*(Одамнинг сурати тан, унинг маъноси ёруғ жондир,
Гар одамийлик маъниси йўқ, суратдин не фойда?!)*

Бу байтда “жон” тимсолининг маъно белгиси иккинчи мисрада келтирилган бўлиб, маънавият, инсонийлик манбаи маъносини ифодалаган. Яъни шоир инсон маънавияти, онгу шуури ва хислатларини “жони равшан” – покиза, мунаввар қалб деб тушунади, бунда “жон” виждон сўзи билан тенгдир, бу хислатларсиз унинг жисмини, суратини моҳиятсиз санайди ва бу таъриф бевосита Ибн Синонинг “жон фанопазир ва латиф жисмдир, равонга хилоф, у жисм эмас ва фанопазир ҳам эмас. Одамлар уч нарсадан яратилган, биринчиси “тан”дир ва уни тозий (арабча)да бадан ва жисм дерлар ва иккинчиси “жон”дир, уни руҳ дерлар ва учинчиси “равон”дир, уни нафс дерлар”¹ - деган фикрига мувофиқ тарзда ифодаланган.

Шоир ғазалларида “жон” тимсоли борлиқ, қалбдаги муқаддас ва покиза нарса, ҳар бир соч толасининг жилоси, самимият, асрор махзани, ҳаёт, маърифат, ақлу шуур, меҳр ва оқибат, инсон борлиги, куч-қувват, жисм осоишталиги, хотира, инсон тириклиги, азиз ва бебаҳо нарса, тафаккур, ҳиссиёт, пок зот, маъшуқа, азиз киши, сўз жони, олам жони, жон олами, янги жон, жон қуши, қасди жон, ширин жон, жон ови, аҳли ниёз жони – азизлар марҳамати каби турли маъноларда қўлланилган.

Жомийнинг нуктапардозлиги ва новаторлик маҳорати ғазалларидаги “кишвари қон, қони қон, матои қон, қисвати қон, қони пурҳунар, таъвизи қон, қомаи қон, колои қон, қони нав, парвои қон, бақои қон, тамошогаҳи қон, Юсуфи қон, маоди қон, чашмаи қон, гўши қон, қони ҳаким, машоми қон, хороши қон, накҳати қон, раиҳаи қон, гардани қон, ҳиҷоби қон, қайби қон, гулшани қон, қони муҳиббон, қони пок, қавҳари қон, қони огоҳ, мазоқи қон, манзили қон, тўҳфаи қон, вирди қон, шираи қон, маъмани қон, боғи қон” каби кўплаб бадий ифодаларнинг лингвопоэтик талқинида намоён бўлади.

Иккинчи бобнинг 4-фасли “Ишқ” тимсолининг мажозий маънолар майдони” деб номланган. Форс-тожик мумтоз адабиётида энг оригинал бадий образлардан бири ишқ, ошиқ ва маъшуқ тимсоллари ҳисобланади ва уларни бир биридан айри тавсифлашнинг имкони йўқ. Жомий айнан “ишқ”ни барча мавжудотларнинг яратилиши мазҳари ва асл жавҳари, оламни тебратувчи, коинотни айлантирувчи, меҳрни жунбушга келтирувчи манба сифатида билади ва эътироф этади. Байт:

موى سفيدم از مى گلگون خضاب كون عيب است لاف عشق جوانان به عهد شيب Ф.752/3

*(Қариликда ёшликнинг ишқидан лоф уриши айбдир,
Оптоқ сочимни, қизил майдан тўлқинлантир.)*

Бу ерда “лофи ишқ” – лоф, ёлғонга, “қавонӣ” – ёшликга тааллуқлидир. Иккиси биргаликда кинояомиз тарзда ёшликни орзу қилмоқ маъносида келган.

¹ د هجد اعلى اكبر. لغتنا مه. جلدہای ۱ و ۱۴. چاپ اول. تهران. ۱۳۷۲. ص. ۶۵۰۹

Шоир учун кексаликда ёшлик сурурини ҳавас қилиш, ошиқ бўлишлик – “лофи ишқ” айб саналган. Бу ўринда “ишқ” – “ҳою ҳавас”, “эхтирос” маъноларини ифодалаган.

Шу тариха “ишқ” тимсоли шоир ғазалларида рангин бўёқларда, гўзал мажозий ифодалар воситасида талқин этилган. Жумладан, “аждаҳои ишқ, мункири ишқ, арбоби ишқ, барқи ишқ, шеваи ишқ, ҳайрати ишқ, иқболи ишқ, вайроншудаи ишқ, шаръи ишқ, муришиди ишқ, зирваи ишқ, соҳиби девони ишқ, сатвати ишқ, рақами ишқ, кишвари ишқ, робитаи ишқ, қоидаи ишқ, қозии ишқ, ҳуқуқи ишқ, шоҳиди ишқ, гиёҳи ишқ, дарси ишқ, аҳди маҳками ишқ, маъдани ишқ, дафтари ишқ, ишқи бенишон, ҷамоли ишқ, пояи ишқ, истилои ишқ, амри ишқ, ишқи пухтакор, юмни ишқ, ҳодиш ишқ, хотами ишқ, рўзгори ишқ, шабнами ишқ, айвони ишқ, канафи ишқ, ишқи кор, ишқи мубарро” каби бирикмаларни Жомийга хос мажозий ифодалар қаторига кўшиш мумкин.

Хуллас, “ишқ” Жомий қарашларида, уммондир ва унинг ирмоқлари инсоннинг бутун вужудида оқади, тилсим, розу асрор, бедаво дард ва васл истовчи касаллик, шарафбахш шаън, ғаму кулфат рамзи, битмас ва туганмас йўл, нотавонлик ва ожизлик, ноёб ва қимматбаҳо хазина, маломат тоши ва жунунлик, шодлик ва сурур, маърифат, ирфон, илму амал, сирларни фош этгувчи, ёруғлик ва зиё, ҳунар ва маҳорат, фидокорлик ва жонбозлик, жонфизо қўшиқ ва маҳзунлик оҳанги, юксак парвоз манбалари, нафс, ҳирсу тамаъ дунёси, тавба, парҳезкорлик ва қаноат, ҳаётга таъм бергувчи тот, ошиқ қалбидаги корхона, сассиз садо ва садосиз фарёд, тақдир ва қисмат, йўлни йўқотгувчи расволик, камолга етказувчи арбоб, фазилат ва нафосатга элтувчи илм, тўғрилиқ келтирувчи амал, эътибор истаган гул, сабурлик келтирувчи гурбат, дафтарни безовчи илҳом, нишон қидирган пайкон, эргашиган соянинг соҳиби, ўлим ва тириклик манбаи, тор манзилдаги оғир юк, соҳил топмаган дарё, ҳаёт ва тириклик қайнаган турмуш, ақл ва билимсиз анланувчи илм, ёшликка ярашадиган ва кексаликдаги хижолат ва малол келтирувчи мақом, жиловсиз қаҳр-ғазаб, сўнгги нафас ила айтилган видо навоси, Мажнун қалбининг пораси, Ҳалложнинг сарбаландлиги, Фарҳод қалбининг қуввату дармони ва Ширин дилидаги бевафолик манбаи... Хуллас, “ишқ” Жомий ғазалларида турфа маъноларни ўзида мужассам этган бадий тимсолдир.

Диссертациянинг учинчи боби “**Рамз ва тимсолларнинг ирфоний-тасаввуфий маънолар талқини**” деб номланади. Бобнинг биринчи “Тасаввуфда рамзлар тизими ва уларнинг функционал хусусиятлари” фасли рамз ва тимсолларнинг сўфиёна назмда қўлланилиши ва муайян бир тоифадаги кишиларнинг мушоҳада ва мукошафа воситаси, жумладан, тасаввуф ақидаларининг баён қилиш воситаси бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган. Айтиш жоизки, айнан яширин сирларни бир-бирига етказиш воситаси – рамзларнинг вужудга келишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида қарашлар турличадир. Эронлик шарқшунос-олим Маҳин Паноҳийнинг фикрига кўра: “Кашф, мушоҳада ва руҳий тажрибаларни баён қилиш қийинлиги “хат”, “хол”, “лаб”, “қош” каби сўзларнинг бу тоифа кишилар матнига йўл топишига сабаб бўлган. Табиатдан

ташқарида сайр қилаётган кашф ва мушоҳада ҳолатидаги ориф, ўз ҳолатини ва сурурини баён қилиши учун табиатда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланишдан бошқа чора тополмайди. Бинобарин, сўфийлар табиатда мавжуд нарсалар воситасида янги типдаги истилоҳлар кашф этганлар ва буни уларнинг ўзларигина англайдилар, бошқалар эса инкор этадилар ёки иккиланиб қарайдилар”¹.

Рамзий белгиларнинг маъно бўлақларини тўғри тушуниш учун ўша халқнинг маданияти, диний қарашлари ва урф-одати билан яқиндан танишиб, диний-ирфоний истилоҳлар луғатидан фойдаланиш керак, акс ҳолда бу рамзлар ўқувчи учун тилсимлигича қолади. Бизнингча, Жомий каби буюк сўз усталари меросининг ирфоний ва тасаввуфий тил хусусиятларини аниқлаш учун, дастлаб, шоирнинг замон мафқураси билан ҳамнафаслигини, адиб ижодиётининг борлиқ ҳаётга боғлиқ тарзда қабул этиш, уларни макон ва замон халқлари қобиғида тадқиқ этиш лозим бўлади. Таниқли шарқшунос М.Имомназаров шундай ёзади: “Суфийлик файласуфлик эмас. Тасаввуф тили мантикий тафаккур тили эмас. Шу сабабдан “тасаввуф фалсафаси” ёки “фалсафий тасаввуф” деган тушунчалар тасаввуфнинг моҳиятидан узок одамларнинг ҳаёлидагина шаклланиши мумкин. Тасаввуф ғайб олами билан иш кўради. Ғайб олами ҳақида эса илм ва мантиқ тили билан эмас, балки фақат рамз ва ишоралар тили билан гапириш мумкин. Шу сабабли тасаввуф тилини шоирлар ва шеърият тилини сўфийлар тушуниши осонроқ. Чунки уларнинг тилга ёндашуви деярли бир хил. Уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам сўзлар оддий ҳарфлар ёки товушлар йиғиндисидан иборат эмас, балки ҳар бир сўз чексиз бир олам, маънолар, рамз ва ишоралар олами...”²

Абдурахмон Жомий асарларидаги бош ирфоний концепция “вахдати вужуд” ёки тавҳид бўлиб, уларнинг асоси ва жавҳари рамз ва тимсоллар олаmidан иборат. Е.Э.Бертельснинг фикрича, “шеъриятда тасаввуфий истилоҳлардан пардани кўтариш ўқувчига суфизмнинг энг теран маънолари ва унинг фалсафий моҳиятидан огоҳ бўлиш имкониятини яратади.”³

Бобнинг 2-фасли “Дил” тимсолининг ирфоний-тасаввуфий маънолари” деб номланган. Жомий ғазалларидаги ирфоний истилоҳ ва тимсолларнинг маъно белгиларини теранроқ англаш учун тасаввуф истилоҳлари изоҳланган манбаларга таяниш самаралироқдир. Шоир ғазалиётидаги тимсолларнинг рамзий белгиларини шу йўналишда таҳлилга тортдик:

گوهر مقصود را دلہای پاک آمد صدف نکته عرفان مجو از خاطر الودگان Ф.519/3

(Ирфон нуктасин осийлар хотиридин излама,
Мақсад гавҳари учун пок диллар келгай садаф.)

Байтда “дил”нинг ирфоний-рамзий маъно белгиси “гавҳари мақсуд” иборасидан маълум бўлади. “Гавҳар گوهر – деб ҳақиқий маънони айтадилар, солиқ унга нутқ поклиги туфайли молик бўлади...”⁴ Бу ўринда “дил” “илм

